Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 5 февраль сешанба

Сотувда эркин нархда № 26 (2854)

# БУ КОШОНА ЭЛИМИЗГА ЯРАШАДИ

Гўзал ва бетакрор Тошкент кейинги йилларда янада чирой очиб, ҳар томонлама юксалиб, жаҳондаги «манаман» деган шаҳарлар қаторидан ўрин олаётгани ҳар биримизга ғурур ва ифтихор туйғулари бахш этади. Пойтахтимиз кўркига-кўрк қўшувчи бунёдкорлик ишлари эса шитоб билан давом этмоқда. Бундай бунёдкорлик ҳаракатининг навбатдаги энг гўзал намуналаридан бири она-шаҳримизнинг қоқ бағрида қад кўтараётган Тошкент давлат консерваториясининг янги биносидир.

Айни кунларда ушбу бино оғушида сўнгги безаш-пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Насиб этса, ҳадемай, янги консерватория халқимизнинг зукко, иқтидорли, мусиқавий истеъдодли фарзандларига ўз эшикларини тантанали равишда очади.



(Давоми 4-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ СЎЗИДА ҚАТЪИЙ

Мамлакатимиз 11 сентябрь воқеаларидан кейин махсус баёнот эълон қилиб, Ўзбекистоннинг Афғонистон теварагидаги воқеаларга муносабатини очиқ билдирган эди: Ўзбекистон ҳудудидан Афғонистонга нисбатан фақат қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш ва гуманитар мақсадларда фойдаланилади...

Гарчи ўшанда турли «миш-мишлар» ёмғирдан кейинги қўзиқориндай тез кўпайган, уларнинг ҳаммаси алалоқибат ёлғон бўлиб чиққан ва бундай «миш-миш»лар ҳанузгача тинмаётган эсада, Ўзбекистон ўз сўзида қатъий турганлигини вақтнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Зеро, Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилган «Афғонистон ҳудудига тижорат юкларини транспортда ташишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ҳам ўша инсонпарварлик тадбирларининг яна бир амалдаги ифодаси, дейиш мумкин.

Маълумки, Афғонистон Ислом давлати Мувақкат маъмурияти раҳбарининг ўринбосари, режалаштириш вазири Ҳожи Муҳаммад Муҳаққиқ бошчилигидаги ҳукумат делегацияси бундан бир неча кун олдин мамлакатимизга ташриф буюрган ва ҳар икки мамлакат турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича Қўшма баёнот имзолашганди. Ана шу музокаралардан икки кун ўтмасданоқ ҳукуматимизнинг мазкур қарори қабул қилинди. Зеро, бу ҳам Ўзбекистон Афғонистонни тиклаш жараёнида ҳамма нарсага тайёрлиги ва ўз сўзида собит турганлигидан далолат беради.

Афғонистонга келаётган юкларнинг аксарият қисми Ўзбекистон ҳудудидан ўтиши кўпчиликка маълум. Чунки биз орқали Афғонистонга ҳам автомобиль, ҳам темир йўли воситасида ўтиш имконияти мавжуд. Бу жуда кўп мамлакатлар учун ҳам қулай, ҳам арзон. Устига устак, Ўзбекистон орқали ўтадиган юклар салмоғи бундан кейин ортса ортадики, камаймайди. Ана шуларни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон ҳукумати мамлакат автомобиль ва темир йўли орқали Афғонистонга ўтадиган тижорат юкларига нисбатан енгиллик ва қулайликлар яратиш, шарт-шароитлар ва хизмат сифатини янада яхшилаш ҳақида қарор қабул қилди. Масалан, агар шу пайтгача Термиз станциясидан Ҳайратон станциясига гуманитар юклардан ташқари бирорта ҳам тижорат юки ортилган вагон ўтмаган бўлса, қаторга биноан, имтиёзли нархлар (180 АҚШ доллари) белгиланган сўнг ҳар куни элликка яқин вагон Афғонистон томон йўл олаяпти. Илгари ҳеч қандай контейнер кўзда тутилмаган бўлса, эндиликда 40 ва 20 тонналик контейнерларнинг нисбатан арзон нархда ўтказилишига рухсат берилмоқда. Бундан ташқари, юкларни ташишда кўрсатиладиган хизматлар шу йил 1 февралдан бошлаб қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди. Яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, Афғонистонга мақсадли бораётган, катта қувватли ва катта ҳажмли юкларни ташиб оладиган автомобилларга нисбатан мамлакатимиз ҳудудига кирганлик ҳамда транзит учун йиғимларнинг амалдаги ставкаси тенг ярим (50 фоиз)га пасайтирилди. Афғонистонга ўтаётган автотранспорт воситаларидан кирим ва транзит учун тўлов бевосита божхона постларида эркин муомаладаги валютада ундирилади. Яна бир муҳим қулайлик шуки, Афғонистонга тижорат юкларини ташиш ва уларга кўрсатиладиган экспедиторлик хизматлари учун тўланадиган эркин муомаладаги валюта нақд шаклда ҳам тўланиши мумкин. Мазкур қарорда кўзда тутилган қоида ва имтиёзлар Термиз—Ҳайратон кўприги орқали Афғонистонга ўтадиган тижорат юклари қўлами ва миқдорини оширишга хизмат қилади.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Европа Комиссияси ТАСИСнинг «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга кўмак бериш» лойиҳасини молиялаштиришни бошлаганлиги муносабати билан ижрочиларнинг ана шу дастурни амалга оширишга боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи махсус Бошқарув қўмитаси 4 февраль куни йиғилиш ўтказди.

Тендерни ғолиб чиққан «АБУ Консалт» (Германия), «Сема Групп» (Бельгия), «НИКО» (Буюк Британия) тимсолидаги Европа консорциуми лойиҳани бажарувчи ташкилот ҳисобланади. Лойиҳани олувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидир.

Европа Иттифоқининг мазкур дастури Ўзбекистонда қонун устуворлигига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишига асосланган адолатли фуқаролик жамиятини барқарор ривожлантиришга эришиш учун демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлаш, мамлакатда демократик институтларни мустаҳкамлашга ёрдам бериш мақсадини кўзлайди.

**Бухоро вилоят ҳокимлигида "Универсиада-2002" мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ушбу тадбирга алоқадор вазирликлар, ташкилот ва муассасалар, қўмиталар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати республика кенгаши раҳбарлари, спорт муассасаларини таъмирлашда қатнашаётган қурувчилар, Бухородаги олий ўқув юртлари ректорлари, ҳомийлар иштирок этди.**

## «УНИВЕРСИАДА-2002»: ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Йиғилишни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев бошқарди.

Маълумки, истиқлол йилларида маънавий ва жисмоний баркамол авлод тарбияси мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кадрларни тайёрлаш миллий дастури изчил амалга оширилиб, Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Хусусан, мактаб ўқувчилари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари талабаларини спорт турларига оммавий жалб этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақалари ўтказиш йўлга қўйилди.

Шу йил май ойи охирида Бухорода республика талаба ёшларининг "Универсиада-2002" мусобақалари бўлиб ўтади. Ўзига хос кичик олимпиада номини олган ушбу спорт тантаналарида мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларидан 2 минг 800 нафардан зиёд спортчи иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида ва шахсий ғолиблик учун беллашади. Мусобақаларда Марказий Осиё мамлакатлари ва бошқа хориж давлатлари талабалари ҳам иштирок этиши кутилаётгани тадбирнинг халқаро аҳамият касб этаётганидан далолат беради.

Ташкилий қўмита аъзолари Бухородаги спорт иншоотлари, олий ўқув юртлари ётоқхоналари ва бошқа иншоотларда олиб борилаётган тайёргарлик ва уларни таъмирлаш билан боғлиқ жараёнларни кўздан кечирдилар. Мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказиладиган марказий "Бухоро" стадионида амалга оширилаётган таъмирлаш, қайта қуриш ишлари билан танишдилар. 8 минг томошабинга мўлжалланган стадион эндиликда 30 минг ишқибозни бағрига олиш имкониятига эга бўляпти.

Олий ва ўрта махсус таълими вазири, "Универсиада-2002" мусобақаларини ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси С.Ғуломов йиғилишда сўзга чиқиб, талабаларнинг мусобақалардан бўш пайтларида маданий ҳордиқ чиқаришлари, дам олишлари учун алоҳида тадбирлар дастури тузилаётгани ҳақида ахборот берди. Универсиада мусобақаларини кенг тарғиб қилиш ва оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиш учун ташкилий қўмита ҳузурида матбуот хизмати фаолият кўрсатади. Маҳаллий ва хорижий журналистлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинади.

Йиғилишда, шунингдек, тайёргарлик жараёни билан боғлиқ муаммолар атрофлича таҳлил этилиб, вазифалар белгилаб олинди.

Ташкилий қўмита йиғилишида Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов қатнашди.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

## СУҒУРТА БОЗОРИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

### Фармонни ўқиб

Суғурта деганда, одатда кўпчилик бахтсиз ҳодисалардан одамларни ҳимоя қилишни ёки бўлмаса, табиий офатлар оқибатида корхона, хўжалик ва ташкилотлар кўрган зарарни қоплашни тушунади. Аслида бу тизимнинг хизмат кўрсатиш доираси ниҳоятда кенг бўлиб, ҳар қайсиси ўзига хос аҳамиятга моликдир. Аниқроқ қилиб айтганда, банк, фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, маркетинг, консалтинг, инжиниринг, лизинг компаниялари каби суғурта компаниялари ҳам бозор инфратузилмаси таркибига киради. Бозор инфратузилмасисиз эса кўп укладли иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини тасаввур этиб бўлмайди. Бир мисол. Республикамизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик — иқтисодиётнинг устувор йўналиши, деб белгиланган. Ният-да, сиз ҳам, айтайлик, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқчисиз. Аммо етарли миқдорда маблағингиз йўқ. Банкдан кредит олмоқчи бўлсангиз, табиийки, гаровга қўйиладиган мулкни талаб қилади. Мазкур муаммони ечиш учун бизда «Мадад» суғурта агентлиги ташкил этилган. Бу ташкилот, гарчи ишбилармонларнинг арзигулик мулки бўлмаса-да, икки томонлама тузилган шартнома асосида уларга кредит олишларига ёрдам бермоқда. Ҳозирда «Мадад»нинг хизматидан минглаб юртдошларимиз баҳраманд бўлган ҳолда бозорни зарур маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳисса қўшаётганлари фикримизнинг тасдиғидир.

Умуман, бугунги кунда мамлакатимизда 29 та суғурта компанияси фаолият юритаяпти. Улар суғуртанинг турли йўналишлари бўйича хизмат кўрсатмоқдалар.

Бироқ, тан олиш керакки, ана шу компанияларнинг иши замон талабларига тўлиқ жавоб бермаётир. Шунинг учун давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, бундай деган эди: **«Ўзбекистонда ривожланган суғурта хизматлари бозорини яратиш зарур. Бунинг учун, аввало, суғурталаш фаолиятига халақит бераётган тўсиқларни бартараф этиш, жисмоний шахслар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш лозим. Бизга зарурат туғилганда одамларни қўллаб-қувватлай оладиган энг паст фоиз ставкали суғурта ташкилотлари даркор».**

Матбуотда эълон қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини халқимиз кенг муҳокама этаётган бир пайтда, яъни шу йил 31 январда эса Президентимиз «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга ҳам имзо чекди. Ушбу Фармонни, таъбир жоиз бўлса, юқоридаги вазифаларни ижро этишнинг аниқ йўл-йўриқлари белгилаб берилган ҳужжат, қолаверса, соҳани бундан буён тараққий эттиришнинг янги босқичи дастуриламали, деб баҳолаш мумкин. Чунки унда суғурта хизматлари соҳасидаги эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, республикада суғурта бозорини тараққий эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳақида тутилган.

Фармонни ўқиган киши, аввало, шу мақсадда суғурта ташкилотларига кўпдан-кўп имтиёзлар берилганини дарров илғаб олади. Булар нималардан иборат?

Ҳужжатнинг биринчи бандига кўра, 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, суғурта ташкилотлари 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинди. Энди дўппини олиб қўйиб, бу уларга қанчалик манфаат келтиришини ҳисоб-китоб қилиб чиқсак. Айтайлик, «Кафолат» суғурта компанияси хизмат кўрсатишдан бир йилда 50 миллион сўм даромад олди. Агар ана шу маблағдан 18 миллион сўм солиқ тўловлари ушлаб қолинса, уч йилда у 54 миллион сўмни ташкил этади. Демак, янги тартибга биноан, компания белгиланган муддат ичида қўшимча равишда шунча миқдорда фойда кўради. Бу маблағ эса аниқ мақсадлар учун ишлатилади. Чунончи, мазкур ташкилотнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга, минтақаларда кенг тармоқли агентликнинг шохобчаларини ташкил этиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шу жумладан, чет элларда ўқитиш ва малака оширишга йўналтирилади.

Шу билан бирга, Фармонда солиқ олишдан бўшайдиган маблағларни таркибида давлат улуши бўлган суғурта ташкилотлари устав жамғармаларини кўпайтиришга йўналтириш чоғида мазкур маблағлар давлатга тегишли улуш миқдорига қўшиб ҳисобланиши белгилаб қўйилди.

Савол туғилиши мумкин: бозор — бозор-да, унинг темир қоидаларига бардош беролмасдан, банкротга учраган суғурта ташкилоти ҳам юқоридаги имтиёздан фойдалана оладими? Йўқ! 2-бандда ёзилишича, 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб тўрт йил мобайнида суғурта ташкилоти тугатилган ёки у суғурта фаолиятини тўхтатган бўлса, даромад (фойда) солиғининг суммаси ушбу Фармонга мувофиқ берилган бутун имтиёзли давр учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

Фармонда юридик шахсларнинг ихтиёрий суғурта турлари бўйича сарф-харажатлари масаласига ҳам эътибор қаратилган бўлиб, унинг 3-бандига мувофиқ, энди юридик шахсларнинг бундай сарф-харажатлари даромад (фойда) солиғини ҳисоб-китоб қилиш чоғида қонунчиликда белгиланган меъёрлар доирасида солиққа тортиладиган база ҳисобидан чегириб ташланади.

Фармоннинг 4-банди эса бевосита барча хўжалик юритувчи субъектларнинг экспортга оид фаолиятига тааллуқлидир. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-1871-сонли Фармонининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин, дейилган:

«Белгилаб қўйилсинки,2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар харидорларга хизмат қиладиган банкларнинг кафолатлари ёки экспорт шартномаларининг сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда олдиндан ҳақ олмасдан ва аккредитив очмасдан эркин алмаштириладиган валютага товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишлари мумкин. Бунинг мазмун-моҳияти шуки, қайд этилган суғурта полисига эга хўжалик юритувчи субъектларга янада кўпроқ эркинликлар берилди. Яъни улар олдиндан ҳақ олмасдан, аккредитив очмаган ҳолда эркин алмаштириладиган валютага товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилиши ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Буларнинг ҳаммаси яқин орада суғурта хизматлари соҳасини янада ривожлантириш, пировардида эса мамлакатимизда ҳақиқий суғурта бозорини шакллантириш имконини беради. Айни пайтда суғурта ва бошқа тегишли ташкилотлар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди: улар ишни Фармон талаблари асосида ташкил қилиб, унинг ижросини таъминлашларини тақозо этади.

**Икром ЎТБОСАРОВ.**

## Мамлакатимизда

**— Биз ширинлик тайёрлаймиз.**

● *Илмий журналлар сони яна биттага кўпаядиган бўлди. Тошкентдаги Вакцина ва зардоблар институти муассислигида «Юқумли касалликлар, иммунитет ва фармакология» деб номланган янги журнал босмага тайёрланди. Журнал фармакология ютуқларини амалиётда қўллаш бўйича тажрибаларни тезкорлик билан ёритиш ва кенг оммалаштириш, юқумли касалликларни таҳлил қилиш ва уларни даволашнинг энг мақбул усулларини излашга хизмат қилади.*

● *Қашқадарёда гўшт, сут, мева-чева сероб. Бу маҳсулотларни қайта ишлаш ва қадоқлаш технологияси эса Италияда ривож топган. Шу боис қашқадарёлик тадбиркорлар, фермерлар ушбу мамлакатнинг «IET — Italian Food Technolodv» компанияси вакилларини таклиф қилишди. Музокаралардан сўнг гўшт, сутни қайта ишловчи, консерва тайёрловчи, музқаймоқ, макарон ишлаб чиқарувчи, пайпоқ тўқувчи минитехнологияларини воҳага келтиришга келишилди. Хорижий компания вакиллари билан келишувлар шундан далолат бериб турибди.*

● *Наманган вилояти Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Алишер Навоий ижодини кенг тарғиб этиш мақсадида шу йилнинг 4 февралидан бошлаб навоийхонлик кунлари ўтказилмоқда. Бир ҳафта давомида вилоятдаги барча меҳнат жамоалари, ўқув даргоҳларида, аҳоли турар жойларида Навоий хотирасига эҳтиром кўрсатиш, унинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга қаратилган тадбирлар — адабий кечалар, мушоиралар, ижодкорлар билан учрашувлар режалаштирилган. Бундан ташқари, кутубхоналарда кўргазмалар, кинотеатрларда эса ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойиш этилади.*

● *Миллий матбуот марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташаббуси билан «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муаммолари, ечими ҳамда истиқболи мавзуида семинар ўтказилди. Унда бизнес оламига кириб келаётган ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятида учраётган муаммоларни бартараф этишга доир муҳим таклифлар ва зарур фикр-мулоҳазалар билдирилди.*

«Халқ сўзи» ● «Туркистон-пресс» ● «Интернет»

## Чет элларда

● *Афғонистон Мувақкат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай мамлакат террор таҳдидидан ҳимояланиш учун ўз армиясига эга бўлиши керак, дея фикр билдирди.*

● *Канада ҳарбийларининг биринчи гуруҳи Кобулга етиб келди. 75 кишидан иборат ҳарбийлар шаҳар хавфсизлигини сақлаш ва инсонпарварлик юкларини қўриқлаб боришда қатнашади. Улар Канада ҳарбий контингентининг дастлабки қисмидир.*

● *Миср археологлари мамлакат жанубида тарихга мансуб ёдгорлик қолдиқларини топишди. У Птоломей II (эрамиздан аввалги 284-246 йиллари) ҳукмронлик қилган даврга тегишлидир. Топилманинг пойдеворига битилган 38 иероглиф мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.*

● *Дастлабки маълумотларга қараганда, якшанба куни Туркияда содир бўлган кучли зилзила оқибатида 45 нафар киши ҳалок бўлган, 170 нафар киши эса тан жароҳати олган. Зилзила маркази Афйон провинциясидаги Болвадин шаҳрида бўлиб, 6 балли ер силкиниши натижасида юзлаб биноларнинг вайрон бўлган. Электр ва телефон тармоқлари ишдан чиққан.*

● *Тожикистоннинг шимоли-шарқида ҳам зилзила юз берганлиги кузатилди. Унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 5 баллга тенг. Мамлакат Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакилларининг маълум қилишларича, ер силкиниши маркази Душанбедан 200 километр ғарбда жойлашган Роғун ҳудудидадир. Ҳозирча қурбонлар ва вайронагарчиликлар ҳақида хабарлар йўқ.*

● *Дам олиш кунлари Москвада кучли совуқ оқибатида 6 киши ҳалок бўлган. 47 киши эса шифохоналарга келтирилган. Ҳозирга қадар қиш мавсумида Россия пойтахтида совуқдан қурбон бўлганларнинг умумий сони 332 нафарга етди.*

**Ҳар элнинг ўз санъати бор.**

# ҚУДРАТЛИДИР, КИМКИ БЎЛСА БИЛИМДОН

**Бугуннинг гапи**

Одам китоб, журнал, газета ўқимасдан, ахборот олмасдан яшаши мумкинми? Айниқса, инсоният тараққиётининг ягона ахборот майдони шаклланаётган бугунги кунда.

Бундан икки йил бурун Фарғона вилоятидаги мактаблардан бирида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берадиган ўқитувчи аёл билан суҳбатлашгандим. Унинг фикрича, бугунги мактаб ўқувчилари билан тил топишиш анча қийин. Улар баъзан ўқитувчини ҳам менсимасмиш. Дарс пайтида унинг сўзларига қулоқ солмасдан, бирбирлари билан гаплашиб ўтиришаркан. Бу ҳолат ўқитувчининг Навоийнинг бирорта ғазалини ёддан билмаслиги аён бўлганидан кейин янада кескинлашиб кетибди.

— Чиндан ҳам шундайми? — сўрадим қулоқларимга ишонмасдан.

— Талабалик йилларимда ёдлаганларим эсимдан чиқиб кетган. Бугун ёд олай десам, хотирам чатоқ. Нима қилишга ҳам ҳайронман.

Изоҳга ҳожат йўқ. Ахир ўқитувчи дегани ўқувчидан кўп билиши, унга ўргатиши керак эмасми? Ўзи адабиёт ўқитувчиси бўла туриб, бадиий китоб мутолаа қилмаса, дарсликларга ижоди киритилган шоирнинг лоақал битта шеърини ёддан билмаса, дарсларни махсус тайёргарликсиз ўтса, ҳеч бўлмаганда ўзи учун дастур вазифасини ўтайдиган «Маърифат» газетасини ўқимаса, яна ўқувчидан хафа бўлиши ўринлими? Эҳтимол, бундай ўқитувчилар камдир. Борди-ю, битта бўлган тақдирда ҳам, унинг зарари жуда катта: бутун бир синфни саводсиз қилиб қўяди.

Тўғри, қишлоқдаги шароит шаҳардагидан ҳали анча фарқ қилади. Аксарият қишлоқ мактабларида кутубхоналар йўқ. Бор бўлса ҳам номига. Бугуннинг ва бугунги ўқувчининг талабига жавоб берадиган адабиётлар кам. Бундай вазиятда одам ўз зиммасидаги бурч ва масъулиятини ҳис эта билиши керак. «Олма пиш, оғзимга туш», деб ўтирган билан иш битмайди.

Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 1-лицей-интернати 1995 йилда ташкил этилган эди. Унга талабчан, изланувчан, фидойи мураббий Расулжон Жўраев раҳбар этиб тайинланди. У ишни ўқитувчилар танлашдан бошлади. Ўқитувчи қанақа адабиётлар ўқийди, ўз мутахассислигига оид (дарсликдан ташқари) манбалар билан қизиқадими-йўқми, унинг билими ўқувчини қаноатлантирадими — ҳамма-ҳаммасини бир чеккадан синчиклаб ўрганди. Ҳатто ўқитувчининг қачон радио тинглаши-ю, телевизор кўришигача унинг эътиборидан четда қолмади. Шу тариқа жони-жаҳонини болаларга беришга тайёр ўқитувчилардан иборат 20 кишилик жамоа ташкил топди. Улар ўқувчиларга чуқур билим бериш учун астойдил интилдилар. Натижа ёмон бўлмади. 1997 йилда 40 нафар ўқувчининг ҳаммаси турли олий ўқув юртларининг талабалари бўлди.

— Ўқувчиларимизнинг энг нуфузли ўқув юртларида билим олаётганликлари билан фахрланамиз, — дейди Расулжон ака. — Вилоят, республика фан олимпиадаларида шогирдларимиз энг юқори ўринларни қўлга киритишмоқда. Бу, албатта, ҳаммамизнинг ва биринчи навбатда Рустамжон Ғойипов, Муҳаммаджон Усмонов, Бўронжон Ҳайдаров сингари заҳматкашларимизнинг муваффақиятидир.

Ҳозирги кунда лицей вилоятда таниқли. Ўқувчиларга касб йўналишлари бўйича ўзбек тили ва адабиёти, физика-математика, химия-биология, инглиз тили, тарих фанлари пухта ўргатилмоқда. Замон талабларига жавоб берадиган фан ва компьютер хоналари уларнинг хизматида.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 5-бандида қишлоқ ўқитувчиси билимини оширишга катта эътибор берилган. Шу йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ жойларидаги умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг кутубхона фондларининг 10 тагача турдаги газета ва журналларга, асосан республика оммавий-ахборот воситаларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига обуна қилинишини таъминлаш кун тартибига қўйилган. Тасаввур қилайлик: 10 тагача газета ва журнал ўқиган ўқитувчининг билим доираси, дунёқараши бойиб бориши турган гап. У ўзи олган ахборотлар билан дарсини мукаммаллаштиради. Бу эса ўз навбатида ўқувчининг билим олиш иштиёқини кучайтиради. Ана шундагина ўқитувчи ўқувчиси ҳурматига сазовор бўлади.

Бугун Мустақил Ўзбекистон ахборотлашган жамият томон қадам қўймоқда. Унга қанчалик тез кириб бориш ҳар бир фуқаронинг билим даражаси билан белгиланади. Чунки ахборотлашган жамиятда кўпроқ ақлий меҳнат улушини орттирувчи билим ва интеллект алоҳида қадрланади.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «КОВЧИН»ГА ИШГА КИРМОҚЧИМАН»

Бу гапни бугун нафақат Қарши туманида, ҳатто вилоят маркази — Қарши шаҳрида ҳам эшитишингиз мумкин. Сабаби шуки, Яхши Омонов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида ташкил этилган «Ковчин» хусусий савдо-ишлаб чиқариш корхонасининг довруғи тобора ошиб бормоқда. Ҳозир бу ерда 5 та савдо дўкони, 2 та ошхона, шунча бозорча, макарон ва нон ишлаб чиқариш цехлари аҳолига намунали хизмат кўрсатаяпти. Мазкур шохобчаларида эса 100 нафардан ортиқ йигит-қизлар ишлаётир.

Айни пайтда корхона раҳбари, таниқли тадбиркор Иброҳимжон Холиёров ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш йўлида тинмай изланмоқда. Унинг айтишича, тез орада яна 100 нафар киши ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилади.

Фақат жамоага эмас, балки давлатга ҳам мўмай даромад келтираётган мазкур корхонада ишлаш истагини билдираётган ёшлар эса талайгина. Раҳбарият номига «Мен «Ковчин»га ишга кирмоқчиман» деганн мазмундаги хатлар кўплаб келаётгани шундан далолат беради.

*СУРАТДА: савдо-ишлаб чиқариш корхонаси макарон цехининг илғор ишчиси Наргиза Жўраева.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТИ»

***Вашингтонда ана шундай мавзуда АҚШ ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорликни фаоллаштиришга йўналтирилган бизнес-семинар бўлиб ўтди. Тадбирни мамлакатимиз элчихонаси АҚШ Савдо вазирлигининг МДҲ бўйича ишбилармонлик ахборотлари хизмати билан ҳамкорликда ташкил этди.***

Икки томонлама кооперацияни ривожлантириш учун муҳим бўлган ушбу бизнес-семинар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбир иштирокчилари орасида АҚШ Эксимбанки, ОПИК, БИЗНИС сингари мамлакатнинг ҳукумат агентликлари, пойтахт ва Мэриленд, Виржиния штатлари ишбилармон доиралари, шунингдек, халқаро молия институтлари вакиллари бор эди.

БИЗНИС директори Т.Ган тадбирни очар экан, кейинги пайтларда Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида сифат жиҳатидан янги, узоқ муддатга мўлжалланган икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш учун имкониятлар яратилганини қайд этди.

Бизнес-семинарда таъкидланганидек, америкалик бизнесмен ва компаниялар учун мамлакатимизда мавжуд бўлган бой минерал хомашё, замин, қулай сармоявий иқлим ва меъёрий-ҳуқуқий асослар, айниқса, жозибадордир. Улар ўзбекистонлик шериклари билан алоқалар ўрнатилиши ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдордир.

Ўзбекистон ва ОПИК ўртасидаги ҳамкорлик тобора ўсиб бораётгани ҳақида сўзлар экан, ОПИКнинг минтақавий менежери Ж.Гейл агентликнинг сармоя портфелида Ўзбекистон алоқачон МДҲ мамлакатлари орасида Россиядан кейинги ўринда турганини қайд этди.

Яна бир диққатга молик жиҳат. Ушбу молиявий тизим вакилининг сўзларига қараганда, АҚШ Эксимбанки кафолати остида жалб этилган кредитлар ҳажми бўйича ҳам мамлакатимиз МДҲ давлатлари орасида ана шундай ўринда туради, Марказий Осиё минтақасида эса биринчи поғонани эгаллайди.

Бўлиб ўтган бизнес-семинарда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ажратилган 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси ҳақида Америка компанияларига атрофлича ахборот берилди.

Учрашув чоғида ишбилармон доиралар вакилларининг иқтисодий ислоҳотлар ривожланиши, давлат мулки бўлган объектларнинг чет эл сармоядорлари иштирокида хусусийлаштирилиши дастури, халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги саволларига батафсил жавоб берилди.

**"Жаҳон" АА.**

# ЯКУН

***Бугун барча соҳада чуқурлашиб бораётган туб ислоҳотлар моҳиятан жамият фаолиятини эркинлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини босқичма-босқич ошириб боришга йўналтирилгандир. Зеро, ислоҳот ислоҳот учун эмас, балки инсон манфаати учун, деган ибора бекорга айтилмаган. Фаровонлик осмондан тушмайди, албатта. Ҳар жиҳатдан тўкис, қулай, муносиб турмуш тарзига эришиш менга, сизга — ҳаммамизга дахлдор бўлган муҳим масаладир. Бу борада, жумладан, коммунал хизмат ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклатилган.***

***Таъкидлаш жоизки, аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматни яхшилаш ҳамда уни сифат жиҳатидан такомиллаштириш ҳукуматимизнинг доимий эътиборида. Президентимизнинг «Коммунал хизматни бошқариш тизимини янада ислоҳ қилиш тўғрисида» (2000 йил 19 декабрь), «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида» (2001 йил 17 апрель)ги фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу асосда қабул қилган қарорларини эслайлик. Мазкур ҳужжатларда коммунал хизматлар бозорини ривожлантириш, тармоқда соғлом рақобат ва турли мулкчилик шаклларини вужудга келтириш билан боғлиқ кўпгина масалаларга ойдинлик киритилган, уларнинг меъёрий асослари белгилаб берилган.***

***Савол туғилади: хўш, ушбу ҳаётий кўрсатмалар тармоқ корхоналари томонидан қандай амалга оширилмоқда?***

# КОММУНАЛ ХИЗМАТ БЕМИННАТМИ?

## ҚОҒОЗДА СИЛЛИҚ, АМАЛДА ЭСА...

Маълумотларга қараганда, 2001 йил мобайнида «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бўйича 40 млрд. сўмликдан зиёд иш (хизмат) бажарилган. Бу кўзда тутилганидан анча зиёддир. Аҳолига табиий ва суюлтирилган газ, ичимлик суви етказиб бериш топшириқлари асосан уддаланди. МинтақаларарО сув қувурларидан фойдаланиш ва уларнинг тармоғини кенгайтириш борасидаги тадбирлар аниқ режа асосида амалга оширилмоқда. Ўтган йили ана шу мақсадлар учун 1 миллиард 920 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

— Коммунал тўловларни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишга эришиш учун маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан 6168 та шартнома тузилган, — дейди агентлик бош директорининг биринчи ўринбосари Ҳ.Ниғматов. — Бу, албатта, ўз самарасини бераяпти. 2002 йил 1 январь ҳолатига кўра, 226802 та хонадонга газ ўлчагич ускуналари ўрнатилди. Табиий газ сарфини камайтириш, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида узоқ муддатли фоизсиз кредит ҳисобига Хитойдан яна 180 мингта замонавий газ ўлчаш асбоби сотиб олишни режалаштирганмиз. Ўтган йили, шунингдек, агентлик тизимидаги «Ўзкоммуниссиқликтаъмир» корхонаси ва «Ўзкоммунмаштаъминот» ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Соҳага чет эл сармояларини жалб этиш мақсадида ХХРнинг «Эксимбанк»и билан узоқ муддатли кредит линиялари очиш кўзда тутилаяпти. Бу кредитлар ҳисобига ҳам газ ўлчаш асбоблари харид қилиниб, улар асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги хонадонларга ўрнатилади. Айни чоғда ана шу хилдаги ускуналарни ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Ўзком-Сакофгаз» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасини ташкил этиш, Австриянинг «Квантум» фирмаси билан кредит ажратиш масалалари юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Газ ва сув умумхалқ бойлигидир. Бойлик эса аниқ ҳисоб-китоб ва тежамкорлик бўлган жойда кўпаяди. Мана, бир йилдирки, агентлик ҳузурида сув ўлчагич асбоблари тайёрлашга ихтисослашган. «Ўзком-Маддалена» ўзбек-италян қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Ўтган қисқа муддат ичида 5 минг дона ўрнига 6,5 минг дона сув ўлчаш ускунаси ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Ҳақиқатан ҳам, тармоқда тилга олса арзийдиган ютуқлар бор ва улар оз эмас. Бизни бошқа нарса ажаблантиради. Яъни агентлик раҳбарияти томонидан таҳририятга тақдим этилган маълумотномада мавжуд камчилик ва муаммолар хусусида лом-мим дейилмаган. Гўё бу хусусда «агентликнинг етакчи мутахассислари телекўрсатувларда, радиоэшитиришларда иштирок этиб, тушунтириш ишлари» олиб боришаётган эмиш. Шундай ҳам, дейлик. Раҳбарият маълумотномага киритишни истамаган ўша камчилик ва муаммолар нималардан иборат? Агар ҳамма иш жойида бўлса, фуқаролар нима сабабдан коммунал хизмат сифатидан норози бўлиб, мутасадди ташкилотларга бот-бот мурожаат қилишмоқда?

«Ҳар йили қиш келишидан безиллаб қолганмиз, — деб ёзади бухоролик газетхон А.Намозов. — Бунинг сабаби бор. Ҳаво совуши билан қишлоқ жойларида газ босимининг пасайиши одатий ҳолга айланган. Мутасадди ташкилотларга ҳар қанча мурожаат қилмайлик, фойдаси бўлмаяпти. Катталар-ку майли, бир амаллаб чидайди. Қийин-қийин, ёш болали оилаларга қийин. Натижада тумов, шамоллаш каби касалликлар кўпаймоқда. Одамлар газга ишониб, ўтин-кўмир ғамламай қўйган. Газнинг аҳволи эса бу... Бошқа жойларни билмадик, аммо вилоятимизнинг Шофиркон, Вобкент, Пешку туманларида ҳар йили қиш мавсумида бир хил манзара такрорланади. Газчиларни анойи, деб ўйламанг. Хизмат ҳақини ўз вақтида қуртдек санаб олишни унутишмайди. Амалий ишга келганда... Биз нима қилайлик?»

Жойларда ўз ечимини кутаётган бу сингари масалалар, афсуски, оз эмас. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича аниқ дастур йўқ. Бажарилган ишлар ва хизматларга оид дебиторлик қарзларини камайтириш, газ тармоқларини ноқонуний улаб олиш ҳолларига барҳам бериш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмаяпти. Аҳолининг табиий газдан фойдаланиш бўйича муддати ўтган қарзлари миқдорини 500 млн. сўмга камайтиришга эришилган бўлса-да, умумий қарздорлик даражаси юқорилигича қолмоқда. Иситиш қозонлари, сув ўлчаш асбоблари ва газ плиталари учун эҳтиёт қисмлар етишмайди. Чиқиндиларни ўз вақтида ташиш, санитария-гигиена талабларига риоя этиш борасида ҳам камчиликлар кўп.

## АҲВОЛ ҚАЛАЙ, ҲАМШАҲАР?

Мамлакатимиз Президенти И.Каримов II чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида пойтахт инфратузилмасини ривожлантириш, одамлар учун муносиб турмуш шароити яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш борасидаги вазифаларга тўхталаркан, жумладан, шундай деган эди: «Бутун дунёла ҳамма нарса, энг аввало, сув, электр, ёқилғи каби ресурсларнинг қаттиқ ҳисоб-китоби бор. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бирон корхона ёки хонадонга газ, сув ўлчаш мосламаси ўрнатилса, харажатлар икки-уч барабар кам бўлар экан».

Таъкидлаш керакки, пойтахтда ана шу ҳаётий масалаларни ҳал этиш, шаҳар аҳолиси учун қулай маиший шарт-шароитларни вужудга келтириш юзасидан қўпгина ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Бугунги кунда шаҳримизда икки миллиондан зиёд киши истиқомат қилади. Йиллар давомида тўпланиб қолган маиший муаммоларни бирданига ҳал этиш қийин, албатта. Коммунал хизмат сифатини ошириш учун, аввало, тармоқда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш талаб этилади.

Биз бу ўринда нимани назарда тутаяпмиз? Сўнгги йиллар мобайнида шаҳар ҳудудидаги 9048 та кўп қаватли уй тўлиқ хусусийлаштирилди. Натижада турар жойлардан фойдаланиш давлат-ижара корхоналари тугатилиб, улар негизида 385 та уй-жой мулкдорлари ширкати ва 5 та масъулияти чекланган жамият ташкил этилди. Айни пайтда шаҳардаги мавжуд кўп қаватли уйлар ана шу янги ширкатлар тасарруфига ўтказилган. Улар фаолиятини назорат қилиш асосан жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар зиммасидадир. Шу тариқа амалдаги — шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига яна бир рақобатчи пайдо бўлди. Рақобат бўлган жойда, турган гап, тараққиёт жадаллашиб, муваффақиятлар кўпаяверади.

Бозор — ўз номи билан бозор. Шу сабабли янги ташкил этилган тузилмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш диққат марказида турибди. «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг шаҳар бўлими томонидан мавжуд ширкатлардан 79 тасига 165,6 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажаратилди ва уларга 3190 та ҳомий бириктирилди. Хўш, самара қандай? 2001 йил учун белгиланган давлат дастури асосида 370 та, жумладан, аҳоли маблағлари ҳисобидан 194 та хонадон тўлиқ таъмирланди. Айни пайтда 15 та кўп қаватли уйда бу иш давом эттирилмоқда. Маиший чиқиндиларни ташиш учун 143 та янги, замонавий «Хундай» машинаси сафарбар этилган. Коммунал хизмат сифатини ошириш, маҳалла, кўча-кўй, жамоат жойларида санитария-тозалик ҳолатини яхшилаш, аҳоли хонадонларини газ, сув, электр қуввати билан узлуксиз таъминлаш муҳим ҳаётий вазифалар сирасига киради.

Албатта, тармоқда хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, биринчи навбатда, коммунал тўловлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб боришни тақозо этади. Лекин бу борада ҳам бирталай муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Дейлик, муддати ўтган дебиторлик қарзларини ундириш учун суд идораларига мурожаат қилишга тўғри келаётгани ачинарлидир. Чунончи, 2002 йил 1 январь ҳолатига кўра, 46356 та «иш» судда кўриб чиқилган ва коммунал хизмат корхоналари ҳисобига 868,1 млн.сўм маблағ ундирилган.

— Бозор шароитида бу табиий ҳол, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари И.Холматов. — Дунёдаги ривожланган мамлакатларда коммунал тўловлар масаласига қатъий ёндашилади. Биз шунга ўрганишимиз керак. Шаҳар хўжалигининг қишга тайёргарлиги ҳақида сўрадингиз. Бир-иккита мисол келтираман. «Сувсоз» трести жамоаси томонидан 3713 километр узунликдаги сув тармоқлари мавсумий кўрикдан ўтказилди, 214 та насос обдон ва жорий таъмирлашдан чиқарилди. «Қорасув-2» иссиқлик марказида 2 та, локал қозонхоналарда 28 та қозонхона тўлиқ таъмирланди, 16,6 километрлик янги газ тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Юнусобод тумани ҳокими биринчи ўринбосари Адҳам Расуловнинг айтишича, ширкатларга 1,5-2 млн. сўм миқдорида кам фоизли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилган. Бу маблағга эса анчагина битум, қувур, қора қоғоз сотиб олинган. Хўш, қани ўша материаллар? Агар хонадонлар ўз вақтида сифатли таъмирланганда эди, «Порлоқ» уй-жой мулкдорлари ширкати ҳудудидаги 1-уй ва 14-мавзе, 19-уй, 53-хонадонда бўлганидек, одамлар совуқдан дийдираб ўтиришармиди?

Туманда дебиторлик қарзларини камайтириш, уй-жойларга газ, сув ўлчагич асбоблари ўрнатиш борасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Ҳозиргача мавжуд 1307 та кўп қаватли уйдан атиги 9 таси ҳисоблаш ускуналари билан таъминланган, холос. Биз шаҳримизнинг Чилонзор, Сирғали, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур туманларида бўлганимизда ҳам юқоридагидек нуқсонларга дуч келдик. Батареялар яхши иситмайди. Хоналар совуқ. Чиқиндиларни йиғиштириб олишда ўзибўларчилликка йўл қўйилмоқда.

Ишонмасангиз, мана бу фикр-мулоҳазаларга қулоқ тутинг.

**Муҳаммаджон ОТАБЕКОВ, Собир Раҳимов тумани, «Қорақамиш- 2/3» даҳаси, 3-уй, 49-хонадон:**

*— Ёзда тўнингни ташлама, қишда ўзинг биласан, дейди халқимиз. Бу нақлда ҳикмат кўп. Уйимиз чорак аср олдин қурилган. Батареялар эски, хоналар яхши исимайди. Шу сабабли уйда ҳам тўнга ўралиб ўтирамиз. Қаттиқ совуқ кунларда газ босими кескин камаяди, чироқ тез-тез ўчиб, одамни хуноб қилади. Наҳотки, мутасаддилар бу ҳолдан бехабар бўлишса?*

**Тожинисо КАРИМОВА, «Сирғали-6» даҳаси, 46-уй, 17-хонадон:**

*— Тўққизинчи қаватда яшаймиз. Бунинг азобини кўяверинг. Лифт тез-тез «нағма» чиқариб туради. Иссиқлик ҳам меёрида эмас. Ёзда совуқ сув муаммога айланади. Натижада пастдан челаклаб ташиб чиқишга мажбур бўламиз. Коммунал хизмат ҳақини ойма-ой тўлаймиз-у, зарур шарт-шароит яратишга келганда, аҳвол бу...*

Англашиладики, бундай муаммоларни ҳал этиш бўйича жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар, уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан етарли даражада қатъият ва фаоллик кўрсатилмаяпти. Фикримизча, ширкат раислигига номзодлар танлаш масаласида ҳам юз-хотирчиликка йўл қўйилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Эътибор беринг: амалдаги ширкат раисларидан 48 нафари касби бўйича инженер-механик, 30 нафари алоқачи, ҳарбий, энергетик, 12 нафари журналист, библиограф, фермер, ер тузувчи муҳандис, агроном ва ҳоказо.

Йўқ, биз уларнинг фаолият юритишига қарши эмасмиз. Кимни сайлашни уй-жой мулкдорларининг ўзлари ҳал қилишади. Ҳамма гап билдирилган ана шу юксак ишончни нечоғлик оқлай олишида, холос.

## БАҲОНАЛАР ТАФТИДА ИСИНИБ БЎЛМАЙДИ

Халқ хўжалигини қишқи мавсумга тайёрлаш ҳамиша муҳим ва долзарб вазифа саналган. Хўш, республикамизнинг чекка вилоятларида, дейлик, Қашқадарёда бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Айтиш керакки, қиш тараддуди анча эрта бошланган, вилоят ҳокимининг бу масалага оид қарори ҳам қабул қилинган. Шунга кўра, шаҳар ва туманлар ҳудудидаги бир неча ўн километрлик газ, сув қувурлари янгиларига алмаштирилди. Қишлоқ аҳолисини суюлтирилган газ билан таъминлаш, мавжуд уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш каби масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бу, албатта, яхши. Таассуфки, баъзи ҳолларда таъминотчиларнинг ўзлари панд бериб қўйишаяпти. «Иссиқлик манбаи» бошқармаси фаолиятини олиб кўрайлик. Мазкур тузилма вилоят шаҳарлари ва туманларидаги кўп қаватли уйлар, мактаб ва болалар боғчалари, шифохоналар, турли муассаса ва корхоналарга иссиқлик етказиб беришга йўналтирилган. Лекин амалда бу вазифа тўла уддаланмаяпти. Қишнинг айни совуқ кунларида ҳам хонадонлар етарли ҳарорат билан таъминланаётгани йўқ. Мавжуд қозонхоналар сифатсиз таъмирланганлиги боис, турли носозликлар келиб чиқиб, аҳволни мураккаблаштирмоқда. Маълум бўлишича, бошқарма тасарруфидаги 70 дан зиёдроқ қозонхонадан атиги учдар бир қисми мавсумга тайёрланган, холос. Ҳисоботга тиркалган ана шу қозонхоналар ҳам етарли қувват билан ишлай олмаслиги аён бўлиб қолди.

«Иссиқлик манбаи» ҳисобида 162 километр узунликдаги узатиш қувурлари мавжуд. Ана шу ҳудуднинг 2,2 километридаги қувурлар алмаштирилмаса, табиийки, аҳолини иссиқлик билан узлуксиз таъминлаш режаси чиппакка чиқади. Ахир, совуқ заптига олган кунларда катта босим остида узатиладиган қайноқ сув таъсирида носоз қувурлар ёрилиши, бундан келадиган моддий зарар бир неча ўн бараварга ошиши эҳтимолдан холи эмас-да!

Дашт ғарбида бунёд этилган Толлимаржон шаҳрига ҳалигача табиий газ етиб бормаганига нима дейсиз? Натижада шаҳар хонадонларини иситиш учун суюқ ёқилғидан фойдаланилмоқда. Шаҳрисабз туманининг Мираки қўрғони, бир неча соғломлаштириш масканларидаги қозонхоналар учун ҳам кўп миқдорда суюқ ёқилғи керак. Шу мақсадда 2000 тонна мазут заҳираси яратилиши лозим эди. Афсуски, ҳалигача бу вазифа ҳам тўлиқ бажарилмаган. Шу сабабли, қишнинг ярмидан кўпи ўтганига қарамай, қозонхоналарга ўт ёқилгани йўқ. Вилоят маркази — Қарши шаҳридаги иссиқлик узатиш тармоқлари ҳам 40-50 фоиз қувват билан ишлаяпти, холос. Энди бу ёғини эшитинг. 2001 йили бошқарма бўйича 12 млн. сўмлик капитал қурилиш ишларини бажариш режалаштирилганди. «Ҳотамтой» раҳбарлар ана шу маблағнинг 9 млн. сўмини номи бор-у, ўзи йўқ «Дур» масъулияти чекланган фирма ҳисобига ўтказиб берди. Ваҳолонки, оддий техника заҳирасига эга бўлмаган мазкур ташкилот 9 млн. сўм тугул 9 минг сўмлик ишни бажариш имкониятига ҳам эга эмаслиги кўпчиликка аён эди. Оқибатда бир чақалик иш ҳам уддаланмади. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Кейинги йилларда Навоий вилоятида ҳам 11 та уй-жой мулкдорлари ширкати ташкил этилди. Давлат тасарруфида бўлган 78414 квадрат метр ҳажмдаги 158 та кўп қаватли хонадонлар тўла хусусийлаштирилди. Тўғри, янги тузилма — уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳолига намунали коммунал хизмати кўрсатиш, жойларда қўшимча қулайликлар яратиш учун саъй-ҳаракат кўрсатаяпти. Лекин бу — тармоқда йиғилиб қолган муаммолар бугун-эрта ҳал этилади, дегани эмас. Қузатишлардан аён бўлишича, қатор туман ва шаҳарлардаги уй-жой ширкатлари ҳатто бино, омборхона, моддий-техника воситалари ва тегишли жиҳозлар билан таъминланмаган. Навоий шаҳри ва Томди тумани ширкатлари ҳатто ҳалигача банкда ўз ҳисоб рақамига эга эмас.

Бунисиям майли. Вилоятда коммунал хизмат бўйича қарздорлик миқдори камайиш ўрнига йилдан-йил кўпайиб бораётганини қандай тушуниш мумкин? Биргина Навоий конметаллургия комбинати бўйича бултур дебиторлик қарзлари 2000 йилдагига нисбатан 38 млн. сўмга ошиб, жами 120 млн. сўмга етган. Шунингдек, «Навоийгазтаъминот» шўъба корхонаси буюртмачилардан 132 миллион сўм, «Сувоқова» ишлаб чиқариш бирлашмаси 3 миллион сўм, «Иссиқлик манбаи» корхонаси 6 миллион сўм ҳақини ундира олмай овора.

Вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси раҳбари Т.Тешаевнинг эътироф этишича, жойлардаги 158 та кўп қаватли уйнинг 103 таси таъмирлашга муҳтож. Ҳозиргача уларнинг атиги бир нечтаси қўлдан чиқарилган, холос. Бундан ташқари, мавжуд техника воситалари эскирган. Ҳизмат соҳаларига мўлжалланган махсус машиналар йўқ ҳисоби. Газ ва сув тармоқларини янгилаш учун қувурлар етишмайди. Чунки маблағ, таъминот масаласи чатоқ.

Очиғи, юқорида тилга олинган камчилик ва муаммолар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам учрайди.

***ХУЛОСА.*** ***Коммунал хизмат — кундалик эҳтиёж. 2001 йил якуни соҳада туб бурилиш ясаш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш нафақат зарур, балки ҳаётий зарурат эканлигини тасдиқламоқда. Ишонамизки, соҳа мутасаддилари юқорида билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб, мавжуд хато-камчиликларни бартараф этиш ишига виждонан ёндашадилар. Ана шундагина сиз билан бизнинг иссиқ, ёруғ хоналарда хотиржам яшашимиз учун қулай шароит яратилади.***

**Носир ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ижодкорлар тақдирланди

Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси оммавий ахборот воситалари ўртасида «Соғлом авлод», «Оналар ва болалар» йилларида Давлат дастурларига оид тадбирларнинг ёритилишига бағишланган кўрик-танлов эълон қилган эди.

Танловдан асосий мақсад соғлом авлодни тарбиялашда, ҳар жиҳатдан баркамол шахсни шакллантиришда фаол қатнашган журналист-ижодкорларни рағбатлантириш бўлган.

Танловга тақдим этилган кўрсатув ва мақолаларни баҳолаш учун Телерадиокомпания, «Ёшлар» телеканали, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Миллий ахборот агентлигининг тажрибали мутахассисларию, журналистлардан иборат ҳайъат комиссияси тузилди. Комиссия аъзолари икки ой мобайнида жиддий ишладилар. Ғолиблар Низом талаблари асосида аниқланди.

Кеча «Соғлом авлод учун» жамғармасида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. «Соғлом авлод — бизнинг келажагимиз» кўрсатуви ижодкори Муҳтарама Улуғова ва «Ёшлар» телеканали журналисти, ҳужжатли ва туркум кўрсатувлар муаллифи Ильмира Мамажонова биринчи ўринни олдилар. Иккита иккинчи ўринга Миллий ахборот агентлиги мухбири Анна Иванова ҳамда ТВ-1 телеканали «Ахборот» дастури журналисти Замира Муқодирова лойиқ деб топилди. «Соғлом авлод учун» журнали бош муҳаррири Муҳаммадали Қўшмоқов учинчи ўринга сазовор бўлди.

Жамғарма жорий йилда ҳам соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган тадбирларини кенг ёритган оммавий ахборот ходимлари ўртасида танлов ўтказишни режалаштирмоқда.

**Г.ҲУСАНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Йиллар ва тақдирлар*

# ЗИЁ ТАРАТИБ

Шундай инсонлар борки, улар ёшлик чоғидан бошқалардан феъл-атвори, гап-сўзлари ва тутган ишлари билан ажралиб туради. Биров бундай инсонларга ҳавас қилади, биров уларнинг ғаройиб табиатидан таажжубланади. Масалан, талабалик учун бериладиган стипендиядан нафсини қийиб, бир йиллик абонемент олиб, Алишер Навоий театрида опера ва балетни томоша қилиб юрадиган талабага нима дейсиз?

Белида ранги ўчиб кетган белбоғ, эгнида бир ҳолатдаги кийим, шу аҳволда шеър тўқиб, уларни ҳамкурсларига ўқиб, баъзида шеъриятни тушунмайдиган айримларнинг кулгисига қолишини айтмайсизми? Аммо у бу кулгиларга парво қилмайди, ўз билганидан қолмайди.

Бошқа талабалар бир ўқишни қойиллатолмай, минг бир усул билан домлани авраб, зўрга «3» баҳосини олиб юрганда, университетнинг шарқ факультетидан политехника институтига қатнаб, олий математика курсини ўрганишга, у ҳам етмагандай, ўзи ўқиётган форс тили қолиб, урду тилини билишга бел боғлаган йигитчадан ҳайратланмайсизми? Ён-атрофидаги ҳамкурслари унинг бундай «қилиқ»ларини кўриб, ҳайрон бўлишади ёки ақл ўргатишади: «Ҳей, икки кемани ушлаган ғарқ бўлади, аввал биттасини эплаб ол, кейин бошқасига ёпиш». Бу гап-сўзларнинг барчаси бугунги кунда илмий жамоатчиликка яхши таниш бўлган, филология фанлари доктори, профессор, таниқли шарқшунос, навоийшунос ва ҳозирги пайтда халқимиз маънавияти фалсафий-тарихий илдизларининг йирик тадқиқотчиси Муҳаммаджон Имомназаровга тааллуқлидир.

Олим Хусрав Деҳлавий достонларининг бадиият олами сирларини ўрганиш борасида ўша пайтдаги адабиётшуносликда мавжуд бўлган классицизм, романтизм, танқидий реализм, социалистик реализм каби назарий қарашларнинг шарқ мумтоз адабиёти анъаналарига мос келмаслигини тушуниб етди. У Амир Хусрав Деҳлавий ижоди методини мумтоз адабиётимизнинг Лутфий, Навоий, Низомий, Саъдий,Ҳофиз, Жомий каби буюк намояндалари даврасида ўрганиб, солиштириб чиқиш асосида аниқлашга ҳаракат қилди.

Бу изланишлар олимни Алишер Навоий ижодини янада чуқурроқ мутолаа қилишга мажбур қилди ва ниҳоят, унга мумтоз адабиётимиз ижодий методи калитини Навоий асарларидан қидирмоқ мақбул кўринди. Ушбу тадқиқотлар натижасида «Ҳақиқат ва Мажоз» номли уч қисмдан иборат йирик рисолада дунёга келди ва бу рисола 1988-91 йилларда «Шарқ юлдузи» журналининг қатор сонларида эълон қилинди. Шундан кейин олим улуғ ўзбек шоири ижоди тўғрисида яна ўнлаб қизиқарли мақолаларини ўқувчиларга тақдим этди.

Аттор, Навоий ва Ризоийнинг «Қуш тили» мавзусидаги асарларини қиёсий ўрганиш миллий маънавиятимизни янада теранроқ идрок этишга асос берди.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов **«Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг кучқудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди»,** деган ғояни илгари сурди. Юртбошимиз ташлаган уруғ ўта ҳосилдор заминга тушган эди ва унинг натижасида бир бутун гулчечаклар бўстони дунёга келди. Миллий маънавиятимизнинг у ёки бу соҳаси бўйича ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар яратилди, дарсликлар ёзилди, таълим муассасаларида махсус кафедралар пайдо бўлди.

М.Имомназаровнинг маънавият соҳасида олиб борган изланишларида Президентимизнинг миллий маънавиятимиз ва қадриятларимиз бўйича ишлаб чиққан чуқур, фундаментал назарий кўрсатма ва концептуал қарашларини ўз тадқиқотларига асос қилиб олиб, «Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари» (1996 й.), «Миллий маънавиятимизнинг назариясига чизгилар» (1998 й.) ва «Миллий маънавиятимиз асослари» (2001 й.) каби йирик тадқиқотларни яратди.

Тошкент Ислом университетида Демократик жамият қурилиш назарияси ва амалиёти кафедрасининг мудири М. Имомназаров ҳаёт йўлини болалигиданоқ аниқ белгилаб олган олимдир. Бу — ўқиш, изланиш ва эришган ютуқларидан элимизни, айниқса, ёшларни зиё сари, ҳақиқат сари етаклаш йўли. У ана шу йўлдан оғишмай олға томон интилиб яшамоқда.

**А.МАННОНОВ,**
**А. ҚУРОНБЕКОВ.**



# БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАР МАСКАНИ

Бизда илмга ташна ёшлар кўп. Уларнинг муроди ушалиши учун, албатта, жойларда етарли шарт-шароитлар яратилиши лозим. Шуни ҳисобга олиб, Марғилон шаҳар ҳокимлиги тегишли муассасалар билан ҳамкорликда янги мактаблар, академик лицейлар ва коллежлар барпо этишга алоҳида эътибор бермоқда. Яқинда бу ерда 1000 ўринли педагогика коллежининг ҳашаматли биноси қурилиб, ишга туширилгани бунинг ёрқин далилидир. Замонавий ўқув қуроллари, анжомлар билан жиҳозланган фан, тажриба-лаборатория хоналари ва спорт мажмуига эга ушбу маскандан 300 талабага мўлжалланган ётоқхона ҳам мавжуд.

***СУРАТДА: янги коллеж биносининг ташқи кўриниши; кимё фани ўқитувчиси Эркин Ашуров талабалар билан машғулот ўтказмоқда.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 5 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/***

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 353,95 |
| 1 Австрия шиллинги | 43,53 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 984,16 |
| 10 Бельгия франки | 148,49 |
| 1 Голландия гульдени | 271,82 |
| 10 Греция драхмаси | 17,58 |
| 1 Дания кронаси | 80,67 |
| 1 БАА дирҳами | 189,18 |
| 1 АҚШ доллари | 694,83 |
| 1 Миср фунти | 150,40 |
| 10 Испания песети | 36,00 |
| 100 Италия лираси | 30,94 |
| 1 Канада доллари | 436,12 |
| 1 Хитой юани | 83,95 |
| 10 Люксембург франки | 148,49 |
| 1 Малайзия рингити | 182,87 |
| 1 Германия маркаси | 306,27 |
| 1 Польша злотийси | 165,73 |
| 1 СДР | 861,05 |
| 1000 Туркия лираси | 0,53 |
| 1 Финляндия маркаси | 100,75 |
| 1 Франция франки | 91,32 |
| 1 Швейцария франки | 405,60 |
| 1 ЕВРО | 599,01 |
| 10 Жанубий Корея вони | 5,30 |
| 10 Япония иенаси | 52,12 |
| 1 Россия рубли | 22,65 |
| 1 Украина гривнаси | 130,58 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

*Кредитлар — ишлаб чиқаришга*

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

## «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг эътиборида

Республикамиз молия муассасалари ўртасида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг алоҳида ўрни бор. Кейинги пайтда ушбу жамоанинг барча филиалларида хизмат кўрсатиш маданияти оширилиб, мижозларга жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда. Замонавий банолар қурилганлиги, улар энг сўнгги моделдаги компьютерлар билан жизоҳланаётганлиги бунга имкон бермоқда. Банк томонидан ажратилаётган кредитлар миқдори ҳам йилдан-йилга ошиб бораяпти. Масалан, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг кредит портфелидаги маблағ 1,5 баравар ортиб, 125 миллиард сўмни ташкил қилди.

Банк томонидан, айниқса, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Бугунги кунда у 19 мингта кичик ва ўрта бизнес субъектига молиявий хизмат кўрсатаяпти. Уларнинг 14 мингтаси юридик шахс мақомини олган бўлиб, 4000 дан зиёди юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлар, 700 таси эса деҳқон ва фермер хўжаликларидир.

Шунингдек, банк иқтисодиётнинг ушбу устувор йўналишини ривожлантиришга шароит яратиш учун мижозларнинг ҳисоб рақамларини очиш ва кредит бериш тартибини бирмунча соддалаштирди. Мижоз, банк ёки бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан кредит олишидан қатъи назар, унинг кредит лойиҳаларини бепул экспертизадан ўтказиш жорий қилинди. Шу мақсадда жойлардаги мавжуд барча филиалларда лойиҳаларни молиялаштириш бўлинмалари очилди. Улар томонидан эса хўжалик субъектларига 2000 йилда 756 миллион сўм имтиёзли кредит берилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1878 миллион сўмга етди.

Табиийки, ана шу кенг қўламдаги ишларни бажаришда Президентимизнинг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги «Банк тизимини ислоҳ қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари дастуриламал вазифасини ўтаяпти.

Умуман, 2002 йил 1 январь ҳолатига кўра, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан жами 10446,3 миллион сўм кредит ажратилди. Унинг 4063,8 миллион сўми қурилиш ва маиший хизматга, 1933,9 миллион сўми корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдиришга, 601,7 миллион сўми эса бошқа соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди. Эътиборли томони шундаки, кредит маблағларининг асосий қисми, яъни 97,7 фоизи банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан берилди. Бу қандай самара бермоқда?

Ўтган икки йил давомида ҳаммаси бўлиб 7533 иш ўрни яратилиб, 12046,9 миллион сўмлик турли хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Асосий эътибор маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босадиган, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилгани ўз навбатида республикамиз истеъмол бозорини тўлдиришга катта ёрдам бераяпти.

Келинг, энди банкдан кредит олиб, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, қолаверса, ўз иқтисодиётини тобора мустаҳкамлаб бораётган корхоналар фаолиятига бир назар ташлайлик. «Авлод» масъулияти чекланган жамияти ўтган йилнинг апрель ойида сочиқ ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадида 3200 минг сўм миқдорида микрокредит олган эди. Жамоа ушбу маблағдан самарали фойдаланиб, 2001 йилнинг 1 декабригача 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Олинган соф фойда эса ярим миллион сўмни ташкил қилди. Шу билан бирга, 6 та иш ўрни яратилди. «Қўнғиртов» шўъба корхонасига ҳам ўтган йилнинг апрель ойида мармар ишлаб чиқариш учун 4 миллион сўм миқдорида кредит ажратилганди. Унинг 3 миллион сўмига харсанг тошларни кесувчи мослама учун бутловчи қисмлар ва кесилган мармарларга ишлов берувчи ускуналар харид қилинди. Натижада корхона ҳозиргача 10995 минг сўмлик маҳсулот сотиб, 374 минг сўм соф фойда олди.

«Олтин балиқча» ишлаб чиқариш-савдо корхонаси эса 12 миллион сўм миқдорида кредит олиб, мева шарбати ва томат пастаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир кунига бир литрлик шартли банкаларда 1500-2000 дона томат қайласи тайёрланмоқда. Шу кунгача 22560 минг сўмлик маҳсулот сотилди, 24 нафар киши эса ишга жалб этилди. «Ёшлик-Ш» хусусий фирмаси ҳам ўтган йилнинг сентябрь ойида мева, сабзавот ва тахтани қайта ишлаш мақсадида 45 миллион сўм кредит олган эди. Ҳозир бу ерда 10 киши ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Эътиборли томони шуки, банкда халқаро нуфузли молия муассасалари маблағларини мамлакатимиздаги кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга жалб қилиш борасида ҳам режа асосида иш олиб борилаяпти. Хусусан, Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси очилганди. Айни пайтда ушбу банк томонидан қиймати 10 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 6 та лойиҳа тасдиқланди. Уларда асосий эътибор маҳаллий хомашёдан рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган ва экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган. Бундан ташқари, бугунги кунда банк Халқаро молия корпорацияси, Осиё Тараққиёт банки ва Германиянинг KFW банки билан ҳам кредит линияларини очиш бўйича музокаралар олиб бормоқда.

«Янги йида «Ўзсаноатқурилишбанк»и жамоаси тадбиркорларга қандай хизмат кўрсатади?» деган савол ҳам газетхонларни қизиқтириши турган гап. Шуни айтиш керакки, жорий йилда бу жамоа томонидан тадбиркорларга бериладиган кредит миқдорини янада ошириш ва уни 10893 миллион сўмга етказиш, имтиёзли кредитлаш жамғармасидан эса 200 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Зеро, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектларни ҳар томонлама молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга зарур имтиёзлар яратиш банкнинг асосий вазифаларидан биридир.

**И. ЎТБОСАРОВ,**
**Ҳ. КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

*Ислоҳот мевалари*

# ДЕҲҚОНУ МЕХАНИЗАТОР МАМНУН

— Фермерларга хизмат қилиш айни муддао,— дейди Иштихон туманидаги «Халқобод» машина-трактор парки» масъулияти чекланган жамияти тракторчиси Мухтор Тошпўлатов. — Чунки ҳар доим ишга буюртма бор. Ҳақини кечиктирмай ўтказиб беришади...

Мурод Жўраев номли ширкат хўжалиги ўрнида деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси тузилгач, мавжуд техника воситаларига том маънода тез ва соз хизмат кўрсатадиган корхонага эҳтиёж сезилди, — дейди масъулияти чекланган жамият раиси Исматулла Раббимов. —Таъмирчиларни бирйўла 197 нафарга етказдик. 136 фермер билан шартнома туздик. Натижада бултур 1500 гектар майдон сифатли шудгорланди. 1000 гектар ерга ғалла экилди. Биргина мана шу ғалла экишнинг ўзидан жамият ҳисобига 6 миллион сўмга яқин пул келиб тушди. Энди ана шу маблағнинг ҳаммасига эҳтиёт қисмлар ва культиваторлар сотиб олмоқчимиз.

Мурод Жўраев номли деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг раиси Б. Санаев, айниқса, мазкур жамоа хизматидан мамнун.

— Бир хўжалик ўрнида 71 та фермер хўжалиги ташкил топди. Ер майдони 1995 гектар. Бирор фермер техника масаласида эътироз билдирган эмас. Мана шундан ҳам уларнинг қандай ишлаётганликларини билиб олаверинг!

Айни пайтда жамият аъзолари кўкламги мавсумда ишлатиладиган техника воситаларини сифатли таъмирдан чиқаришмоқда. Шу билан бирга, фермерларга кишки дала ишларини амалга оширишда кўмаклашмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САНЪАТ МАКТАБИ

Карнай-сурнай, доираю ноғора садоси яхши кунлардан дарак. Ўзбекнинг тўю томошаси ана шу чолғу асбобларининг садоларисиз ўтмаслиги ҳам шундан. Бироқ ушбу чолғу асбоблари фойдаланиш ва ундан санъат ярата олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. "Аббос" гуруҳи раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аббос Қосимов ҳайрли ишга қўл урди. У пойтахтимиздаги 324-мактаб қошида ўзбек чолғу асбоблари тарихи, сир-синоатларини ўргатувчи икки йиллик ўқув ташкил этди. Мактаб ўқувчилари бу ерда, шунингдек, одобнома, саҳна маданияти ва сўз санъати фанларидан ҳам сабоқ оладилар.

**Ўз мухбиримиз.**

**Ҳурматли тадбиркор жаноблар !**

***Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ўз мижозларига энг қулай шароитлар яратиш мақсадида***

**«АСАКА» БАНКИ**

***2002 йил 1 февралдан бошлаб банк амалиётларининг асосий йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини такроран 30%дан 50%гача камайтирганини эълон қилади.***

"Асака" банки Ўзбекистон молия бозорида 1996 йилдан бери фаолиятюритиб, республиканинг барча вилоятларида ўз филиаллари ва бўлимларига эгадир.
Жисмоний ва юридик шахсларга миллий ва четэл валютасида барча банк хизматларини кўрсатмоқда.

**«Асака» банки сизни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди !**

**Маълумот учун телефонлар:**
**120-83-83, 120-81-62,120-82-98, 120-82-66.**
**Манзилимиз:**
**700015, Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 67-уй.**
**Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида.**

АСАКА BANK

Ташкилот, хусусий тадбиркор ва турли мулк шаклидаги фирма раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ «МАТЛУБОТСАВДО» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТИЗИМИДАГИ

**ДАВЛАТ ТАЪМИНОТИ УЛГУРЖИ САВДО БИРЛАШМАСИ**

***ГЎШТ ВА БАЛИҚ КОНСЕРВАСИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН***

**ТЕНДЕР САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Наманган шаҳри, «Косонсой» кўчаси, 40-«А» уй.
Вилоят давлат таъминоти улгуржи савдо бирлашмаси.
Телефонлар: (36922) 6-48-06, 6-50-90, факс: 6-48-06.

**"MALVIL" МЧЖ**

*саноат-электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради.*

**АККУМУЛЯТОРЛАРНИ КУЧЛАНТИРУВЧИ ВА ДВИГАТЕЛЛАРНИ ЮРГИЗУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (12,24V)**

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ: ИТАЛИЯ (TELWIN)**

**ЭЛЕКТРПАЙВАНДЛАШ ЖИҲОЗЛАРИ**

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР:**
**ИТАЛИЯ (TELWIN),**
**УКРАИНА (SELMA).**

***КАФОЛАТ. ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ. ТЕХНИК ХИЗМАТ.***

*Тошкент ш., 700000, В.Малясов кўчаси, 3,113-115-хоналар.*
*Тел.:(998-71) 120-68-36, 110-20-36, (998-712) 41-31-24.*
*E-mail: malvil @ operamail.com.*

# БУ КОШОНА ЭЛИМИЗГА ЯРАШАДИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

ЯНГИ консерватория биносининг бунёд этилаётганлиги кўп томонлама диккатга сазовордир. Аввало, шу маънодаки, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ва бевосита раҳнамолигида жамиятимизнинг маънавий ривожланишига узлуксиз ва катта эътибор бериб келинмоқда. Ютуқларимиз ҳатто халқаро миқёсда кенг эътироф этилаяпти. Ҳамдўстлик давлатлари орасида Ўзбекистонда Тошкент давлат консерваториясининг янги биносидай муҳташам санъат кошонасининг қад тиклаётганлиги ҳам кўп нарсани англатади. Демак, бизда маънавий ҳаётнинг пойдевори янада мустаҳкамланмоқда.

Иккинчидан, мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ривож топаяпти. Юртбошимиз Ўзбекистон ёшларини оталарча меҳрибонлик билан «менинг фарзандларим» деб бежиз айтмайдилар. Бунда улуғ, эзгу ижтимоий-сиёсий маъно бор. Янги консерватория кошонаси ҳам яқин келажакда истеъдодли янги авлодларни тарбиялаб етиштирадиган даргоҳлардан бири бўлади. Бу даргоҳ бағрида мусиқа санъатимизнинг янги, ёрқин намояндалари вояга етиши аниқ.

Қолаверса, бу янги кошона — халқимизга жуда-жуда ярашади. Чунки ўзбек халқи дунёнинг ўзидай қадим тарихли ва бой хазинали мусиқа санъатига эга. Бундан минг йиллар олдин ўтган бобокалон аллома-мизМаҳмуд Қошғарий ўзининг «Девони луғотит-турк» китобида буюк миллий бахо-дир Алп Эр Тунга ўлимига бағишланган ва халқ орасида яшаб келган марсияларни келтиради. Алп Эр Тунга эса мелоддан олдинги VI-V асрларда ўтган. Демак, Маҳмуд Қошғарий ўзидан яна бир неча минг йиллар аввал яшаган улуғ ватандошимиз ҳақида унинг ўз даврида яратилган қайғули халқ қўшиқларини китобида келтирган. Мана шундай қадимги қўшиқлар миллий мусиқа ва қўшиқ санъатимиз тарихининг кўз илғамас олис даврларидан яққол далолат беради.

Яна ўша минг йиллар аввал Абу Наср ал-Форобий, Ибн Сино каби бизга ватандош алломалар инсоният тарихида дастлабки мутафаккирлардан бўлиб, мусиқанинг моҳияти, унинг эстетик табиатига доир чуқур илмий-назарий қарашларни илгари сурганлар. Уларнинг ўлмас мусиқий таълимоти Шарқ ва Ғарб оламида кўп асрлар мобайнида мактаб вазифасини ўтаган.

Ҳеч муболағасиз яна шуни айтиш мумкинки, халқимиз орасида цивилизация тарихида илк мусиқа созларини кашф этиб, инсоният қўлига тутқазган зотлар ҳам бор. Шу муносабат билан бобокалонимиз Абу Наср ал-Форобийни яна эслаш ўринлидир. Ўтмишдан қолган манбалар унинг улуғ аллома бўлиш билан бир қаторда ўз даврида тенгсиз созанда ва нодир соз устаси бўлганлигидан ҳам гувоҳлик беради. Бу тўғрида бизга ғаройиб ривоятлар етиб келган. Жумладан, бир ривоятда айтилишича, Форобий ўзи яратган созда шундай бир куйни ижро этибдики, уни тинглаганлар сеҳрланиб, уйқуга чўмибдилар. Шундан кейин у чалган иккинчи бир куй уларни беихтиёр уйқудан уйғотибди. Форобий созидан таралган учинчи бир куй эса тингловчиларнинг қалбини чексиз туғёнга келтирибди...

Ўзбекистонда мусиқа санъати ва илми соҳасида Абу Наср ал-Форобий ва Ибн Сино яшаган даврлардан кейин ҳам забардаст сиймолар етишган. Масалан, Ҳожа Абдулқодир Марағий, Сафиуддин Урмавий, Муҳаммад ибн Маҳмуд, Абдурраҳмон Жомий, Фурсат, Мавлоно Лутфий, Мавлоно Ниҳоятий, Мавлоно Ҳусайн Ҳоразмий, Мавлоно Ҳожи Ҳусайн, Мавлоно Ҳожи Ҳусайн Ҳоразмий, Мавлоно Ҳожи Ҳусайн Ҳоразмий, Мавлоно Ҳожи Ҳусайн Ҳоразмий